

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА	
Роман жанрининг культурологик қиёфаси	63
С.ҚУРОНОВ	
Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси.....	66
Ф.ДАДАБАЕВА	
Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси.....	69
М.ЖУРАЕВА	
Кундош образининг замонавий талқини.....	72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ	
Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар	76
Д.ТУРДАЛИЕВА	
Лисоний имконият ва бадий санъат	79
Н.АБДУЛЛАЕВА	
Синтактик градуонимия.....	84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ	
Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни	87
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти.....	92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА	
Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш.....	95
Л.РАХИМОВА	
Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари	99
М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ	
Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири	101
А.ЭРМАТОВ	
Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	103
Л.БЕГИМҚУЛОВА	
Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар.....	106
М. УСМАНОВА	
Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши	108
Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА	
Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари	111
Н.ТОШЕВА	
Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида.....	113
Г.РОЗИҚОВА	
Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида.....	116
З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРХУЖАЕВА	
Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир.....	118
Ш.АСКАРОВА	
Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари.....	120
М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ	
Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти.....	123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр.....	126
-------------------------------	-----

УДК: 808.03

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИДА ПОРТРЕТ ВА СИФАТЛАШЛАР ТАРЖИМАСИ

Ф.Дадабаева

Аннотация

Ушбу мақолада Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарининг олмонча ва русча таржималардаги портрет ва сифатлашлар қиёслаб ўрганилган. Асарнинг русча ва олмонча таржималаридаги камчиликлар таҳлил қилинган. Таржимонлар йўл қўйган хатоликлар очиб берилган.

Аннотация

В статье на основе сопоставления изучаются вопросы перевода на немецкий и русский языки портрета и качества главных героев романа Абдуллы Кадыри “Минувшие дни”. Проведен анализ недостатков перевода на немецкий и русский языки данного произведения. Раскрыты некоторые ошибки, допущенные переводчиками.

Annotation

In this article translation problems of the pictures and epithet of the main characters of the novel “The past days” by Abdulla Kodiriy into German and Russian are investigated. The shortcomings of the translation this novel into Russian and German are analysed. Some mistakes, made by translators, are revealed.

Таянч сўз ва иборалар: асарнинг русча ва олмонча таржимаси, портрет, сифатлаш, бевосита ва билвосита таржима, қиёсий таржима, аслият.

Ключевые слова и выражения: немецкий и русский переводы произведения, портрет, определение (эпитет), опосредствованный и непосредственный перевод, сравнительный перевод, оригинал.

Keywords and expressions: the German and Russian translation of the work, picture, direct and indirect translation, epithet, comparative translation, original.

Ўзбекистонда адабиёт соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилган айни пайтда ўзбек тилида яратилган бадиий дурдоналарни хорижий тилларга таржима қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Таржима қилишдан асосий мақсад - асл нухани эгаллаш, сақлаш ва етказишдир, лекин ўз прототипига эга бўлмаган янги асар яратишдан иборат эмас, таржиманинг мақсади қайта яратишдан иборат. Бизга маълумки, ўзбек адабиётининг нодир дурдонаси бўлмиш Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридан баҳраманд бўлиш биз қатори жуда кўп қардош халқ вакилларига ҳам насиб этган. Лекин, таассуфки, асарнинг билвосита таржима орқали амалга оширилган олмонча таржимасида ўзбек халқининг ўзига хос бўлган анъана ва урф-одатлари кўрсатилмаган ёки эътиборсизлик қилинган. Бу эса бошқа миллат вакилларининг “Ўткан кунлар”ни ўқиганда ўзбек ўқувчиси ҳис қиладиган ҳаяжон ва мароқни ҳис қилолмаслигига олиб келган.

Бугунги ишимиз орқали ҳам биз ушбу асардаги портрет ва сифатлашлар борасида фикр юритмоқчимиз. Асарнинг илк саҳифасидан ўрин олган сарой тасвирига эътибор қаратайлик: Аслиятда: - Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўрмақроқ бир хужра, анови хужраларга кийиз тўшалган холда, бу хужрада қип-қизил галам,

уларда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, бунда ипак ва адрас кўрпалар, наригида қора чироқ сасиганда, бу хужрада шам ёнадир, ўзга хужраларда енгил табиатли серчарчоқ кишилар бўлганида, бу хужранинг эгаси ҳам бошқача яратилишида... [1.5].

Русча таржимада: В глубине двора находилось помещение понаряднее остальных. Если в других комнатах полы были устланы кошмами, то здесь лежали ярко-красные ковры; если там на постелях – бязевые одеяла, то здесь – шелковые или из узорчатого атласа; вместо копящей плошки тут горела свеча. Да и здешний жилец, не в пример суетливым, резким в движениях обитателям других комнат, держался чрезвычайно спокойно... [2.27].

Олмонча таржимада: In der Tiefe des Hofes befand sich ein Raum, der reicher ausgestattet war als die anderen. War in den uebrigen Raeumen der Fussboden mit Wollfilz ausgelegt, bedeckten ihn hier grellrote Teppiche; statt einfacher Nesselbezeuge lagen Decken aus Atlas oder gemusterter Seide auf den Ruhebaenken; eine Kerze ersetzte die blackende Oelfunzel. Auch der Inhaber des Zimmers untersied sich von den geschaeftigen, lebhaft gestikulierenden Bewohnern der anderen Raeume: schweigend, in Gedanken versunken sass er da [3.5].

Ф.Дадабаева – НамДУ, факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

Аслиятдаги сифатлашларнинг русча ва олмонча таржималари билан яқинроқ қиёслайлик: аслиятда	Русча таржимада	Олмончада
бошқаларга қараганда кўркамроқ	понаряднее остальных	der reicher ausgestattet war als die anderen
қип-қизил галам	ярко-красные ковры	grellrote Teppiche
ўзга хужраларда енгил табиатли серчарчоқ кишилар	не в пример суетливым, резким в движениях обитателям других комнат	lebhaft gestikulierenden Bewohnern der anderen Raeme

Эътибор берилган бўлса, аслиятдаги сифатлашларни таржимонлар сўзма-сўз ўгиришга ҳаракат қилганлар. Барибир, Абдулла Қодирийга хос сифатлашлар тўлақонли чиқмагандек кўринаверади. Аслиятдаги муаллиф қўллаган биргина кўркамроқ сифатлашнинг ўзиёқ алоҳида бир муаммо. Бу ўринда асар муаллифи бу сўзни бежиз ишлатмаган. Аслида бошқаларга нисбатан яхшироқ, яхши жиҳозланган, қулайроқ, кўзга кўринарли каби сифатлашларни қўлласа ҳам бўларди. Аммо Абдулла Қодирий саройдаги хужра тасвирини ҳам ўз қаҳрамони Отабекка мослашга, унга ярашиб турганлигига, қолаверса, Отабекнинг диди қандай эканлигига ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади. Биргина ана шу сўз билан Отабек маъқул кўрган ана шу хужранинг тасвири китобхон кўз ўнгида намоён бўлади.

Рус тилида **нарядный** – прил. 1. *ясанган, безанган; нарядная девушка-ясанган қиз; 2. (об одежде)чиройли, башанг; нарядное платье – чиройли кўйлак, деб изоҳланади [4.409].*

Олмон тилида эса таржимон *reicher ausgestattet* деб беради. Олмон тилида *reicher* – бойроқ, *ausstatten – jmdn. –jmdm. Eine Ausstattung geben, ihn mit einer A. mit allen Notwendigen versehen, ausruesten.*

Einen raum – einrichten. Яъни жиҳозламоқ, бирор киши ёки жойни барча зарурий нарсалар билан қуроллантормоқ. Бирор хонани жиҳозламоқ, - маъносини ифодалайди [5.259].

Олмон таржимони бу ўринда *reicher ausgestattet* (бойроқ жиҳозланган) сифатлашнинг ишлатишни маъқул кўради. Эътибор берилса, олмонча таржимада аслиятдаги биргина сўздан иборат сифат янада батафсилроқ ва аниқлаштиришга асосланган ибора кўринишини олади. Аммо, барибир аслиятдаги кўркамроқ сифатини тўлақонли акс эттира олмагандек кўринади. Шу боис русча таржимага эътибор қаратадиган бўлсак, унда қўлланилган рус

тилидаги **нарядный** сўзи олмон тилида – *schoen, schmuck; elegant*, яъни *гўзал, безакли, элегант (башанг, чиройли, келишган)* маъноларини беради. Демак, олмонча таржимада ҳам *schoener (чиройлироқ) ёки eleganter als andere Raeme (бошқа хоналардан башангроқ)* тарзида ўгирилса, янада аслиятга яқинроқ бўларди.

Асар сюжети экспозицияси таркибида Отабек портретига қуйидаги гўзал чизгиларни кўрамиз: оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндигина мурти сабза урган бир йигит! Бас, бу хужра бино ва жиҳоз ёғидан, ҳам эга жиҳатидан диққатни ўзига жалб этарли эди. Қайдайдир бир хаёл ичида ўтирувчи бу йигит Тошкентнинг машхур аъёнларидан бири бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли – Отабек [3.5].

Русча таржимаси: Да и здешний жилец, не в пример суетливым, резким в движениях обитателям других комнат, держался чрезвычайно спокойно, погруженный в какие-то думы. Это был молодой человек крепкого сложения; на его красивом белом лице выделялись черные глаза и брови; усики чуть пробивались. Звали молодого человека Атабек, он был ташкентцем, сыном именитого Юсуфбека-хаджи [2.28].

Русча таржимада аслиятдаги Отабек портретига чизгилар талқинига яқинроқ эътибор қаратайлик: оғир табиатли - *держался чрезвычайно спокойно* (ўзини фавқулодда босиқ тутарди);

- улуғ гавдали - *крепкого сложения* (кучли гавдали);

- кўркам ва оқ юзли, келишган қора кўзли, эндигина мурти сабза урган, мутаносиб қора қошли - *на его красивом белом лице выделялись черные глаза и брови;* (унинг чиройли оқ юзидан қора кўз ва қошлари ажралиб турарди);

- эндигина мурти сабза урган - *усик чуть пробивались* (мўйлова бир оз ўсиб чиққан) .

Абдулла Қодирий Отабек портрети, хусусан унинг юз тузулиши, қош ва

АДАБИЁТШУНОСЛИК

кўзларининг ҳам бирига мос сўз ишлатади. Табиатига нисбатан – *оғир*, гавдасига нисбатан – *улуғ (катта)*, юзига нисбатан – *оқ*, кўзига нисбатан *келишган қора*, қошларига нисбатан – *мутаносиб ...*. Бундай тасвир фақат “Ўтган кунлар”гагина хослиги кўриниб турибди.

Русча таржимада Отабекнинг қошлари тасвири аслиятга мос ўгирилмаган. Оригинал муаллифи қахрамоннинг қошларига нисбатан *мутаносиб* сўзни бежиз қўлламаган. Биргина сўз билан тасвирланаётган образ портретига жон киргизиб юборилганлигини кўрамай. Аммо бу жиҳат таржимада Отабек қошининг фақат *қора рангдалиги* ва унинг ажралиб туриши ифодаланган, холос.

Энди олмонча таржимага эътибор берайлик:

- *schweigend, in Gedanken versunken, sass er da. Ein junger Mann von kraeftigen Statur. In seinem hellen, wohlgebildeten Antlitz zeichneten sich scharf die dunklen Augen und Brauen ab. Erster Flaum sprossste ueber den Lippen. Der junge Mann war der Sohn des vornehmen Jussuf-bek-Hadschi aus Taschkent und heisst Otabek [3,6].*

Маъноси: *Кучли гавдага эга бўлган ёш йигит. Унинг ёруғ келишган юзидан қоп-қора кўз ва қошлари ажралиб турарди. Мўйловнинг сабзаси лаби устида кўринади. Бу ёш йигит тошкентлик зодагон Юсуфбек ҳожининг ўғли бўлиб, унинг исми Отабек эди.*

Отабек портретининг олмонча талқинига яқинроқ қарайлик: *оғир табиатли - держался чрезвычайно спокойно-* *schweigend* (жимгина ўтирган);

- *улуғ гавдали - крепкого сложения - von kraeftigen Statur* (кучли гавдали);

- *кўркам ва оқ юзли, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошли - на его красивом белом лице выделялись черные глаза и брови -* *In seinem hellen, wohlgebildeten Antlitz zeichneten sich scharf die dunklen Augen*

und Brauen ab (Унинг ёруғ келишган юзидан қоп-қора кўз ва қошлари ажралиб турарди);

- *эндигина мурти сабза урган бир йигит - усики чуть пробивались - Erster Flaum sprossste ueber den Lippen* (Мўйловнинг сабзаси лаби устида кўринади).

Аслиятда сал олдинроқ Отабек келиб тушган хужрага нисбатан *кўркамроқ* деган сўз қўлланилганди. Абдулла Қодирий ушбу сўзни айнан Отабек портретида ҳам яна такрор ишлатмайди. Бу уйғунлик Отабек дидига мос тушганлигини таъкидлашимиз керак. Афсуски ана шу сўз таржималарда тушириб қолдирилган. Муаллиф Отабекка нисбатан *кўркам ва оқ юзли* сифатлашларини алоҳида, бир-биридан ажратилган ҳолда беради. Чунки у *кўркам* сўзини Отабекнинг бутун борлигига, бўй-бастига нисбатан келтирган. Аммо таржимонлар муаллиф маҳоратининг ана шу жиҳатини назардан қочирганлар ва бу сўзни унинг юзига нисбатангина қўллаганлар. Рус таржимонлари (Л.Бать ва В.Смирнова) издан борган олмон мутаржими (Арно Шпехт) ҳам Отабекнинг *қоши* тасвирига нисбатан ишлатилган янада гўзал *мутаносиб* сўзини бермай кетган. Воситали таржиманинг салбий жиҳатлари ана шундай жойларда яққол кўзга ташланиб қолади.

Таржима назариясининг тил соҳасидаги муаммоларини ҳал қилишда миллий адабиётларнинг энг намунали асарларининг хорижий тиллардаги таржималари билан қиёсий таҳлил олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи рус ва олмонча таржималари мисолида олиб борилган қиёсий таҳлилларнинг кўрсатишича, бадий таржимада аслиятдаги бадий тасвир воситаларини, асарнинг лисоний хусусиятларини таржима қилиш тамойилларини таҳлил қилиш тил ва таржима муаммоларини ёритишда муҳим роль ўйнайди.

Адабиётлар:

1. Қодирий А. Ўтган кунлар. –Т.: Фахур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
2. Кадыри А. Минувшие дни. – Т.: Государственное издательство художественной литературы, 1958.
3. Kadiri A. Die Liebenden von Taschkent – Berlin:Verlag Kultur und Fortschritt, 1968.
4. Русско-узбекский словарь. – М.: Государственное издательство национальных словарей, 1968.
5. Wahrig. Deutsches Woerterbuch. – Guetersloh: Berlelsmann Lexikon Verlag, 1994.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).